



Үчинчи фасл. Бобур Подшоҳнинг Хуросонга кетиши ва Кобулда бўлиб ўтган тўс-тўполонлар баёни

Бобур Подшоҳ Хуросонга кетгач, кишнинг ўрталаригача Кобулда осойишталик ҳукм сурди. Подшоҳ Хуросонда узок қолиб кетди. У ҳақда Кобулга турли-туман хабарлар келиб турди. Ҳазора қавми қароқчилари дастидан йўллар бекилиб қолди.

Илгари Юнусхон фарзандлари саноғи ҳақида ёзганимизда унинг беш кизи ва икки ўғли бўлганини эслатган эдик. Учта кизига келсак, тўнғичи, яқинда тилга олганимиз Меҳр Нигор хоним Самарқанддан Шохбегим билан бирга келиб, ўша пайтда Кобулда эди.

Иккинчиси – Бобур Подшоҳнинг онаси Қутлуг Нигор хоним, Шохбегим ва отамнинг Кобулга келишларидан олдинроқ вафот этган эди. Учинчиси – Ҳўб Нигор хоним, каминанинг онаси, тинчлик-омонлик кунларида Тошқандда вафот этган эди, бу ҳақда ёзиб ўтган эдик. Юнусхоннинг бу уч кизи Эсан Давлат бегимдан бўлган эди. Султон Маҳмудхон, Султон Аҳмадхон, Султон Нигор хоним (Султон Маҳмуд мирзонинг хотини), Давлат Султон хоним (Шоҳибекхоннинг ўғли Темур султоннинг хотини) – бу тўрттовлари юқорида тилга олинган Шохбегимдан тугилган эдилар.

Бинобарин, Шохбегим каминанинг ва Бобур Подшоҳнинг ўғай бувиси. Мирзохоннинг тугишган бувиси эди. Бобур Подшоҳ хонлар мағлубиятидан кейин Хисор тоғларига чиқиб кетгандан бери Мирзохон ўша тоғлик вилоятда Подшоҳга қўшилиб, шундан буён у билан бирга эди. Бобур Подшоҳ унга фарзандидек меҳрибончилик қўрсатарди. Негаки, уларнинг оталари ҳам, оналари ҳам бир-бирлари билан тугишган эди, бу ҳақда илгари ҳам ёзган эдик. Моддий танқислик туфайли у Бобур Подшоҳ билан бирга кетолмай, бувиси Шохбегим мулозаматида қолган эди. Кишнинг ўрталарида Бобур Подшоҳ ҳамда Хуросондаги мирзолар ҳақида турли-туман хабарлар кела бошлагач, Шохбегимнинг юрагида оналик меҳри тугён урди. Унинг кўнглида шундай режа тугилди: Модомики Бобур Подшоҳ Хуросонда мирзоларнинг қўлида экан, Султон Хусайн мирзо билан Султон Абусаид мирзо ўртасида илгаридан ҳукм суриб қолган душманлик, тўқилган қонлар сабаб Бобур Подшоҳ мирзоларнинг қўлидан соғ-омон қутулмайди, шу билан бирга шунга ўхшаш ёлгон миш-мишлар ҳам тарқалдики, охир оқибат Бобур Подшоҳ ўрнига Мирзохонни подшоҳ қилиш пайига тушиб қолишди. Отамга бу ҳақда маслаҳат солишганда отам бу

фикрни кескин рад килди. Газаб отига миниб, бир-бирларини сикувга ола бошлашди. Шохбегимнинг ранжигани хонларнинг ранжиши деб хисобланди, бундан отам кийналиб кетди. Улар роса хаддан ошишгач, отам: «Мен рад килганим билан улар ўз режаларидан кайтишмайди. Яхшиси, бу ишга аралашмаганим маъкул», деди. Бир ой давом этган бахс-тортишувлардан кейин бир карорга келишди. Бобур Подшоҳнинг амирлари ўрнатилган тартиб бўйича хар куни Кобул калъасидан отамнинг хизматига келишганда отам уларга ортик бу ёкка келманглар, деб яширинча айтиб қўйди. Амирлар Кобул калъасига кайтишгач, отам Кобулдан бир кунлик йўл наридаги Оби Боронга кетди ва ўзини бу ишдан четга олди. Шохбегим ва бир канча бошка мўғуллар Мирзохон номига хутба ўқитишиб, Кобул калъасини эгаллашга ҳозирлик қўра бошлашди. Тўқнашувлар бўлиб ўтди. Шохбегим отамга киши юбориб, келишини каттик талаб килди. Бундай катъий талаблар хаддан ошгач, отам ночор қолиб келишга мажбур бўлди. Йигирма тўрт кун Кобул калъасини камал қилиб туришди. Бу орада Бобур Подшоҳ қилиб қолди, бу ҳақда қуйида сўз юритамиз.

Ўн биринчи фасл. Бобур Подшоҳнинг Хуросонга кетиши ва унинг Хуросондан Кобулга кайтиши

Бобур Подшоҳ Жаҳонгир мирзо изидан кетган пайтда улар Хазора тоғларида учрашишиб, маслаҳатлашиб кенгаш ўтказишди. Улар Хуросонга бориш керак, эҳтимол, Шоҳибекхонга қарши чиқа олармиз, деган қарорга қилишди. Шу ният билан Хуросонга йўл олишди. Хуросонга қилишганда, уларни Хуросон аҳолиси яхши кутиб олди ва мирзолар ҳам икки ака-уканинг қилишганидан жуда хурсанд бўлишди. Аммо Хуросондаги мирзолар орасида ҳамжихатлик тикланмади. Бобур Подшоҳ тушундики, иттифоклик бўлмайди, бусиз бирор ишни амалга ошириш мумкин эмас, бунинг устига Жаҳонгир мирзо майни беҳад қўп ичганидан ичбуруг бўлиб, иситмаси қўтарилди. Хадичабегим эски одатича майга захар солиб берганмиш, дея одамлар миш-миш тарқатишди. Шу сабабларга қўра, Бобур Подшоҳ айрим одамлардан ижозат сўраб Кобулга жўнади. Хазора тоғларида, Мирзохон билан Муҳаммад Хусайн мирзо Кобулни камал қилиб туриштипти, деган хабар етиб қелди. Бобур Подшоҳ барча оғир-енгил юкларни қасал ётган, маҳофада қетаётган Жаҳонгир мирзога топширди-да, ўзи бир канча қишлоқларни олиб тез олдинга қилди. Хиндикуш довоини қор қосган эди, минг машаққатлар билан доводан ошиб, жадал суръат билан Кобул қари йўналишди. Бир қуни қарор пайти қалъага қашланишди. Қалъа қашқарисидеги барча қалқ қароканда бўлиб, турли қарафларга қчиб, беқиниб олди, қалъа иқидеги қашқарига қчиб, иққари ва қашқаридеги барча қарқаларни қалашди. Аммо қашқилиқ ва мурувват Бобур Подшоҳга қос қифатлар эди, у қеч бир қек қакламай, шод-хурам қолда ўгай буқисининг олдига қирди. Шохбегим ундан юз ўғириб, ўз туғишган неқарасини подшоҳ қилиб қўтарган эди. Шохбегим Подшоҳни қўргач, қижолат бўлиб, қилига бирор сўз қелмай қолди. Бобур Подшоҳ қиз қўқиб, адаб қармига қиоя қилган қолда, мулоқимлик билан: «Агар мухтарам она ўқилларидан бирортасига меҳрибонлик қўрсатса, бошка ўқил қандай қилиб бундан қафа бўлсин? Онанинг қар қандай истаги қарқандлар учун қонундир» деди-да, қагин

кўшиб кўйди: «Мен тун бўйи ухламай узок йўл босиб келдим» дея ухлаш учун бошини Шохбегимнинг кучогига кўйди. Буни у Шохбегимга таскин бериш учун килди. У хали ухламаган эдики, тугишган холаси Мехр Нигор хоним кириб келди. Подшоҳ сакраб туриб, меҳрибон холаси билан куюк кўришди. «Фарзандларинг ва оила аъзоларинг сени мушток бўлиб кутишяпти. Аллоҳга шукурки, дийдорингга мушарраф бўлдик. Тур ўрнингдан, калъага, бола-чаканг олдига бор, биз ҳам борамиз» деди хоним. Бобур калъага кетди. Амирлар ва бутун лашкар Аллохнинг марҳамати учун шукроналар айтишиб, Подшоҳ изининг тупрогини кўзларига суришди. Унинг изидан Мехр Нигор хоним Мирзохон билан отамни бошлаб келди. Улар калъага якинлашишганда, Подшоҳ Мехр Нигор хоним истикболига чиқди. Хоним: «Эй жоним болам! Сенинг хузурингга синглимнинг гунохкор эрини ва нолойик ишлар килган биродарингни олиб келдим, бунга нима дейсан?» деди ва отамга ишора килди. Бобур Подшоҳ отамни кўргач, шоша-пиша, илгариги расм-одатга кўра, таъзим килиб келиб хурсанд бўлиб, кулиб у билан кучоклашди, меҳрибонлик билан соглигини, ахволини сўради. Кейин Мирзохон томонга ўгирилиб унга меҳр-мухаббат, илтифотлар изхор килди. У химмат ва мурувват кўрсатиб, улар билан самимий суҳбатлашди ва кайси йўлни танлашни: кетишадими ёки у билан қолишадими, ўзларининг ихтиёрига кўйиб берди. Улар хижолатдан бошларини кўтаролмай қолишди. Багрикенг Бобур Подшоҳ буларнинг хижолат губорларини одамгарчилик ва яхшилиқ суви билан ювишга ҳаракат килди. Аммо у бўлмагур килгиликнинг хижолатпазлиги уларнинг кўнгил кўзгусидан кетмади. Отам билан Мирзохон Кандахорга кетишга руҳсат олишди. Шохбегим билан Мехр Нигор хонимни эса хаддан зиёд тақаллуф ва илтимослар билан Подшоҳ қошида олиб қолишди.

Кандахорга етишгач, Мирзохон Кандахорда қолди, биз отам билан Фарох ва Сейистонга кетдик. Илгари Хуросонда ният қилгандек, отам муқаддас ҳаж сафарига кетмокчи эди. Фарохга етганимизда Шоҳибекхоннинг Хуросонни босиб олгани ва чигатойларни кириб ташлагани хақида хабар қелди. Йўллар ҳавфли бўлиб қолди, тоғлардаги дара йўллар тўсиб қўйилди, отамнинг нияти амалга ошмай қолди. Бу воқеа 912 (1506-1507) йилда содир бўлди.

Ўн иккинчи фасл. Бобур Подшоҳнинг Қобулда бўлган пайтидаги воқеалар ва шунга алоқадор айрим ҳикоялар баёни

Бобур Подшоҳ Қобулда подшоҳлик тахти ва мурувват маснадида ўтирди. Подшоҳнинг Қобулдаги ҳаётининг баёни қуйидагича: аввал айтиб ўтганимиздек, 909 (1503-1504) йилда у Қобулни Зуннун Аргуннинг ўғли Муқим қўлидан озод қилди. Унинг қўлида Хисравшоҳнинг йигирма мингга яқин лашкари бор эди, улар Қобулга сигмайдиган бўлиб, ночор Хиндистонга йўл олишди. Лашкар йўллар нотанишлиги боис озик-овқат кам жойга тушиб, лашкардаги қўплаб отлар нобуд бўлди. Лашкар жанг қилмаган бўлса-да, аммо қўп йўқотишларга учради. Улар Қобулга қайтиб қелишгач, Хисравшоҳнинг қўп лашкари тарқалиб кетди. Шохбегим билан отамнинг Қобулга қелиши ва Подшоҳнинг Хуросонга қетиши ҳам шу даврга тўғри қелди.

Биз отам билан Кандахорга кетгандан кейин бу воқеалар туфайли Подшоҳ ва унинг

халки жуда огир ахволга тушиб, хаётлари танг холатда колди. Бунинг устига барча ишларда Подшоҳга суянчик бўлган Жаҳонгир мирзо вафот этди. Бобур Подшоҳ Кобулда қарор топиш учун суяниш мумкин бўлган бирорта куч излашга тушди ва шу мақсадда Кандаҳорга Шохбекка киши юборди. Шохбек Зуннун Аргуннинг ўғли эди. Зуннун Аргун Султон Хусайн мирзонинг таникли амирларидан бири эди. Ўттиз йил давомида у Султон Хусайн мирзо номидан Кандаҳорни ва Замини Доварни бошқарди. У жасур ва ақлли одам бўлса-да, бироқ жуда ҳасис эди, шу йўл билан катта ҳазина тўплаган эди. У мирзоларга хизмат қилиш учун Хуросонга кетди. Шохибекхон Хиротга ҳужум қилганда, у ёлғиз унга қарши қурашиб, ўзбек лашкарининг илғор қисмлари билан жанг қилиб, шу жангда ҳалок бўлди. Кандаҳорда унинг ўрнига ўғли Шохбек ўтирди. Бобур Подшоҳ Шохбекка одам юбориб, энди Султон Хусайн мирзонинг фарзандлари тарқалиб кетишган, сен Бобур Подшоҳга итоат ва хизмат эшигини очишинг керак, чунки ҳозирги пайтда салтанатида сендан бошқа унинг ишларини юритишга лойиқ одам йўқдир, деган гапни уқтирди. Бироқ Подшоҳ шундай илтимослар билан неча марта одам юбормасин, у қабул қилмади, негаки у бирорта одамга хизмат қилишни ўзига эп қўрмасди. Охир-оқибат иш жанг-жадал билан тугади. Подшоҳ Кандаҳорга юриш қилди, Кандаҳор атрофида катта жанг бўлди. Нихоят, галаба шабадалари Подшоҳнинг зафар байрогини ҳавода хилқиратди, Шохбек жангчиларига эса мағлубият юзланди. Шохбек ва лашқари саросимага тушиб, Кандаҳор қалъасига қайтолмай ҳам қолишди, қўлларидан ҳеч бир иш қолмай, бахтни бахтсизликка алмаштириб, Сиви тарафга қочиб кетишди. Подшоҳнинг қўлига катта ҳазина тушди ва у ҳар бир жангчига ўттиз шохрухийдан улашди. Кандаҳорда қолган Мирзохон ҳам Подшоҳга қўшилди. Подшоҳ катта зафар ва катта ўлжа билан Кобулга қайтди, Кандаҳорни эса Жаҳонгир мирзонинг ўқаси Султон Носир мирзога берди.

Бобур Подшоҳ Кобулга қелганида, Бадахшондан Хисравшоҳнинг вилояти ўзбеклар қўлига ўтди, деган хабар қелди. Бироқ Бадахшоннинг баъзи аҳолиси ўзбекларга тобе бўлмай, уларнинг лашқарига бир неча марта лабзарбар берди. Лашқарнинг ҳар мингтасининг сардори у ер-бу ерда ҳокимиятни ўз қўлига олди. Уларнинг бошида Зубайр Роғий турди.

Буни эшитган Шохбегим Бадахшонга талабгор бўлди, унинг сўзларига қараганда сабаби мана бу эди: «Бадахшон уч минг йилдирки, менинг меросий мулкимдир. Гарчи мен аёл киши бўлганлигим учун подшоҳлик қилишга ҳаққим бўлмаса-да, аммо менинг набирам Мирзохон бор, халқ мендан ва фарзандларимдан воз кечмайди». Подшоҳ Шохбегим билан Мирзохонга Бадахшонга кетишга руҳсат берди. Укам Муҳаммад Шох бегимнинг хизматида эди, улар уни ҳам ўзлари билан олиб кетишди. Улар Бадахшонга яқинлашганда, Шохбегим ва унинг ниятини билдириш мақсадида Мирзохонни Зубайр Роғий ҳузурига юборишди.

Мирзохон улардан ажралиб кетгач, Қошғардан мирзо Абобакрнинг лашқари қелиб, бегим ёнидаги одамларни ва хонимни Қошғарга олиб кетишди. мирзо Абобакр аҳолининг шарҳи кейинроқ қелтирилади. Мирзохон қочиб, Зубайр Роғий олдида борди. Дастлаб у буни ҳурмат-эҳтиром билан қутиб олди. Кейин унга бошқача муомала қилиб, икки-учта хизматқоридан ташқари ҳеч қимми унинг ёнига қирғизмай қўйди. Бирмунча вақт ўтгач, Мирзохоннинг эски мулозими Юсуф Али қўқалдош девона ўн саккизта бошқа одамлар билан қелишиб, бир қуни кечаси Зубайрга ҳужум қилиб, уни ўлдиришди ва Мирзохонни подшоҳлик тахтига ўтқизишди. 913 (1507-1508) йилдан бошлаб ҳаётининг охиригача Бадахшон Мирзохон қўлида бўлди.

Бобур Подшоҳга келсак, у Кандахорни фатх килгандан кейин Кобулда бўлди. Хисравшоҳнинг уч мингтача колган мўғуллари Улугбек Кобулийнинг ўгли Абдураззоқ мирзони подшоҳ килиб қўтаришди ва Бобур Подшоҳга қарши қўшин тортишди, шу пайтда Бобур Подшоҳ қўлида беш юзта одам колган эди. Ана шу беш юз киши билан у душманга қарши чиқиб жанг килди. Бу энг қонли жанглардан бири бўлди. Қўп тўқнашув ва олишувлардан кейин у душманни тор-мор килди. Ўша жангда шахсан унинг ўзи душманнинг бешта баҳодири – Али Саид, Али Сино ва яна учтаси билан уришди. У жасурлик билан қилич қопиб, уларни қочирди. Ўша жангда Абдураззоқ мирзо Бобур Подшоҳнинг қўлига тушди. Подшоҳ мурувват қилиб, уни қўйиб юборди. Бу воқеалардан кейин Подшоҳнинг Кобулдаги ишлари ривож топди. Бу ерда у 916 (1510-1511) йилгача турди, ўша йили Шохибекхон ўлдирилди. Буни хали баён этамиз, иншооллох.

(давоми бор)

[1](#), [2](#), [3](#), [4](#), [5](#)